ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ШАРАФЛИ ХИЗМАТИ

Саодат Тоштемирова **Азиза Абдухалилова**
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат арбоби, ёзувчи, адиб Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва шарафли хизматларни ёритишдаги ҳаққоний илмий асосланган бой манбалар ҳамда уларда келтирилган маълумотлар баён этилган. Мамлакат қишлоқ ҳўжалигининг танглик ҳолатидан олиб чиқишдаги, ирригация, милиорация ва бошқа йўналишлардаги ижобий фаолияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: давлат арбоби, адиб, ёзувчи, бунёдкорлик, раҳбарлик, ирригация, милиорация, кимёлаштириш оқибатлари, шарафли хизмат.

HONORABLE SERVICE OF SHAROF RASHIDOV

Saodat Toshtemirova **Aziza Abdukhalilova**
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article contains rich scientific sources and information about the life and honorable services of the statesman, writer Sharof Rashidov. The positive activities of the country's agriculture in overcoming the crisis, irrigation, land reclamation and other areas were discussed.

Keywords: statesman, writer, writer, creativity, leadership, irrigation, land reclamation, consequences of chemicalization, honorable service.

КИРИШ

Истиқлол ва тараққиёт йўлимиз белгилаб олинган, бой миллий-маданий меросимизга, тарихимизга янгича муносабат талаб қилинаётган бир даврда мустақил давлатимизнинг кўп асрлик тарихини миллий манфаатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, тарих муоммоларни янгича ёндашув асосида талқин этиш каби долзарб вазифалар ўз ечимини топмоқда. Тарихан қисқа даврда эришган энг катта ютуқларимиз – бу юртимиз озодлиги ва қадриятлармизнинг тикланганлигидир. Зотан, юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк шахслар, давлат арбоблари, мутафаккирларнинг ҳаёти, уларнинг мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ва улар қолдирган маънавий меросни ўрганиш,

асраб-авайлаш, бу манбалардан комил инсон тарбиясида татбиқ этиш олий мақсадимиздир.

Комил инсон тарбияси узлуксиз жараён бўлиб, бунда миллий мерос асосида ёшларни камолга етказиш муҳим масала ҳисобланади. Бу ўринда етук мутафаккирларимиз, олиму-фузалоларимиз, давлат арбобларимизнинг ҳаёт йўллари, уларнинг фаолияти, бой маънавий юксалишимизга қўшган ҳиссаларини, давлат тараққиёти йулидаги хизматларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ватанимиз тарихининг 130 йилдан ортиқроқ оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган аянчли саҳифаларида Туркистондаги маҳаллий давлат арбоблари ва миллий зиёлиларимиз Турор Рисқулов, Файзулла Хўжаев, Иномжон Хидиралиев, Акмал Икромов, Усмон Юсупов ва бошқалар билан бир қаторда Шароф Рашидов ҳам Марказнинг мустамлакачилик сиёсатига ва Туркистоннинг хом-ашё манбаи даражасида тутиб туриш учун кўраётган чора-тадбирларига қарши курашган миллий етакчилардан эди. Улар ҳатто мустабид тузумнинг ҳар қандай кескин шароитида ҳам ўзбек халқининг манфаатларини имкон қадар ҳимоя қилган ва марказнинг империяга тажовузини юмшатишга муваффақ бўлган қобилиятли, иродали миллий раҳбарлар эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ш.Рашидов шахси ва у инсоннинг давлат раҳбари сифатидаги хизматларини тарихий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, И.Каримовнинг “Халқимизнинг оташқалб фарзанди”, Ф.Исҳоковнинг “Совет ҳукумати давридаги йулбошчилар”, Р.Аминовнинг “Ҳаёт ҳаммасини ўз жойига қўйди», Б.Даминовнинг “Рашидов ҳақида сўз”, Г.Саломовнинг “Эзгуликка чоғлан, одамзод”, М.Қаюмовнинг “Ўчмас из”, А.Рашидовнинг “Акам ҳақида”, Р.Газиевнинг “Деятели Узбекистана. Воспиманание о Шарофе Рашидове” ва Т.Алимардоновнинг адибнинг 100 йиллигига бағишланган “Ўчмас шараф” каби рисола ва асарлари Ш.Рашидовнинг ҳаёти ва шарафли хизматларни ёритишдаги ҳаққоний илмий асосланган бой манбалардир.

МУҲОКАМА

Ш.Рашидов ноёб ақл-заковати, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан катта обрў эътибор қозонган, мустамлакачилик зулми остида жабр кўрган халқимизга садоқат билан ҳалол хизмат қилган атоқли давлат арбоби ва ёзувчидир. У умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб,

уларни катта-катта орзу-истаклар, мақсадлар йўлида бирлаштирди.Мустамлакачиликнинг оғир синовлари таъсирида қолган бўлсада, у доимо инсонпарварлик ғояларига, Ватанга муҳаббат руҳига содиқ бўлиб, халқимиз қалбида шуҳрат қозонди.

Собиқ Иттифоқдаги 80-йиллар бошларида вужудга келган қишлоқ ҳўжалигининг танглик ҳолатида Ўзбекистоннинг сиёсий етакчиси Ш.Р.Рашидов мамлакат аграр мажмуини молиявий-маблағ ва зарур манбалар билан таъминлашда, шунингдек, ўша йиллардаги хўжалик –маданий қурилишнинг бошқа йўналишлари бўйича сезиларли ижобий фаолият олиб борди. У Марказ сиёсати оқимида боришга мажбур бўлишига қарамасдан, йўл қўйилган имкониятлар даражасида халқнинг, айниқса, қишлоқ аҳолиси, деҳқонларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга интилди; умумий турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқларга ёрдам бериш, республикамизни соф аграр ўлкага айлантириш учун зарур маблағларни ва моддий манбаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди ва ўз мақсадлари йўлида тинмай фаолият олиб борди.

Ш.Рашидов эл манфаатини ҳимоя этишда, унинг турмуш даражасини оширишда ҳар бир мавжуд имкониятдан оқилона фойдалана олган. Шу мақсади йўлида халқни бирлаштира олган. Ш.Рашидов чўлга сафарбар этилган кишиларнинг меҳнатини, ҳаёти, турмушини ташкил эта олган раҳбар ҳисобланади. Унинг раҳбарлик ва инсоний фазилатлари, минтақа учун амалга оширган бунёдкорлик хизматлари, айниқса, халқаро сиёсатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги улкан хизматлари у инсоннинг раҳбарлик маҳорати хусусиятларининг бир намунасидир.

Ўзбекистондаги, шу жумладан, қишлоқлардаги кўпгина муҳим объектларларни қурилиши Шароф Рашидов номи билан боғлиқ. Унинг бевосита иштироки билан қишлоқ хўжалигининг моддий-техника негизи, унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди. Бироқ миллий раҳбарнинг имкониятлари чекланган эди. Марказ аграр қурилиши мафкураси ва стратегиясини белгилаб берарди, унинг моҳияти биринчи навбатда пахтачиликни жадал ривожлантиришдан иборатлигича қоларди. Пахтачиликни муваффақиятли ривожлантириш учун биринчи навбатда, пахта саноати базасини яратиш белгиланган эди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигини тўлиқ саноатлаштириш учун бир пайтнинг ўзида мустаҳкам моддий-техник базани ҳам яратиш муҳимлиги Республиканинг деярли барча район ва совхозларида пахта тозалаш заводларининг вужудга келишига туртки бўлди.

1966 йил ирригация ва мелиорация йўналишида янги босқичнинг очилиши ерларни суғориш ва ирригация соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш

имкониятини берди. Қарши чўлини ўзлаштиришда 1963-1968 йиллар мобайнида кўп миқдордаги замонавий қурилиш техникаси фаолият кўрсата бошлади.1964 йил 77 км узунликдаги 6 та йирик насос станцияси – Қарши магистрал канали қурилиши бошланди.

Жиззах, Қарши, Мирзачўл, Марказий Фарғона ва Республиканинг бошқа кўпгина яроқсиз ерларини ўзлаштиришдаги хизмати давлат раҳбарининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги эътиборга молик салоҳиятидан далолатдир.

70-йилларда Республикада пахтачиликни ривожлантиришда кимёвий моддаларни қўллаш худудимиз табиий муҳитига ҳалокатли тарзда таъсир кўрсатди, хавфли касалликларни ва ўлим даражасини кучайтирди.

Миллий раҳбаримиз Шароф Рашидов бошчилигида Республиканинг машҳур олимлари, миллий зиёли вакиллари иттифоқнинг органларига тинимсиз мурожаатлар қилиб, ўз халқининг тақдири учун чуқур ташвиш билан ўз фикрларини баён қилган. Улар ўз мурожаатларида заҳарли кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигида оммавий равишда татбиқ этилиши инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир кўрсатишини таъкидланган.

Ш.Рашидов ташаббуси билан заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш ҳажмини камайтириш юзасидан мустақил равишда чора-тадбирларни белгилашга ҳаракат бошланди. 1970 йил 21 майда Ўзбекистон Олий Кенгаши раёсати қабул қилган қарорда “Экинларга ишлов беришда кимёвий кураш усулларини қатьий тартибга солиш, иложи борича ёппасига ишлов беришни барҳам топтириш, заҳарли кимёвий моддаларни сарфлашни камайтиришга эришиш” қатьий зарурлиги қайд қилинган эди.

Миллий раҳбарнинг саъий ҳаракатлари билан Республикада ёппасига кимёлаштиришнинг хавфли оқибатларига барҳам бериш мақсадида 70-йилларнинг бошларида ғўзаларга кимёвий ишлов бериш ҳажми қисқартирила бошланди, заҳари кучли бўлган дорилардан фақат зарарланган майдонларда ва иложи борича авиация воситасиз ерда ишлов бериш усулидан фойдаланиш чоралари маълум муддат йўлга қўйилди. Бу харакатлар миллий раҳбаримизнинг таҳликали вазиятларда ҳам ўз халқининг манфаатларини, унинг саломатлигини қайғуришидаги инсонпарварлик фазилатлари намунаси эди. Совет давлатининг сўнгги йилларида руслар учун Шароф Рашидов номи коррупция ва Совет Иттифоқининг маъмурий-буйруқбозлик бошқарувининг бош тимсолига айланиб қолди. Леонид Брежнев хукумати йиллари Ўзбекистонга пахта топширишни ошириш ҳақидаги охири йўқ қарорлар келиб турарди. Бунга жавобан ўзбек хукумати “қўшиб ёзиш” ҳисобига ҳар доим дала майдонларнинг ирригацияси ва

пахта ҳосили ҳақида олдингисидан каттароқ рақамларни ёзишарди. Бу ҳолат ўзбек бошқарувчиларига марказдан қўшимча манбалар олиш ва Брежнев хокимиятини сотиб олишга имкон берарди. Фақатгина Ш.Рашидовнинг ўлимидан сўнггина, марказ ўзига хос "ўзбек иши" деган уйдирмани ўйлаб топди ва Ўзбекистонга Телман Гдлян ва Николай Иванов бошлиқ тезкор прокурорлар гуруҳини юборди. Бунинг натижасида Ўзбекистон хукуматида олиб борилган тозалашдан ЎзССРнинг деярли барча раҳбарлари нишонга олинди. Гдляннинг фикрича, ўша вақтда бутун Иттифоқ коррупция тўрида қолган бир вақтда Москва Ўзбек Республикасини ажратиб қўйиб ноҳақлик қилган. "Ўзбек иши" натижаси Республиканинг кўпчилик аҳолисини миллий ҳаракатга ундади. Бу айниқса қайта қуриш даврининг сўнгги йилларида кучайди.

НАТИЖАЛАР

Хозирги кунда мустақил Ўзбекистонда Шароф Рашидовнинг номи ҳурмат эътибор билан эсга олинади. Ўзини кучли раҳбар ва мохир дипломат сифатида кўрсата олган ўзбек халқиниг қаҳрамони камчиликларга тўла совет бошқарув тизимини ўзбек халқининг ўлчаб бўлмас ривожи учун йўналтирилган. Ш.Рашидов Республика раҳбари сифатидаги улкан, маъсулиятли вазифаларига қарамасдан, ўзи бутун борлиғи бўлган севган адабиётга содиқ қолди. У ўзининг бетакрор истеъдоди билан эзгу қадриятларни тараннум этган асарлар-қиссалар, шеър ва достонлар, публицистик мақолалар яратди.

Шароф Рашидов Шўро ҳокимияти даврининг барча давлат арбоблари сингари вафотидан кейин қораланди, ҳаёти ва ижодини ўрганиш таъқиқланди. Мустақиллик шарофати билан адиб ва давлат арбобининг номи қайта тикланди.

2016 йил 23 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори билан Жиззах вилоятининг Жиззах туманига "Шароф Рашидов тумани", Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдони ёнидаги кўчага "Рашидов кўчаси" номи берилиши ҳам давлат арбобига қартилган холисона эътибордир. Шу йилнинг 6 октябр куни Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов ҳайкали ўрнатилди.

ХУЛОСА

Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш мақсадида 2017 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёв "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов тавалуддининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорни имзолади. Ушбу қарорда миллатимиз ифтихори - Ш.Рашидовга "Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий

фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёркин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигин муносиб нишонлаш мақсадида", - дея таъриф берилган.

Ҳар бир халқ тақдири таҳликали ва зафарли жараёнларга тўла тарихдир. Ўзбек халқи ҳам шундай зафарли ва таҳликали тарихнинг вакили. Мустақиллик биз эъзозлаган ерни, у билан бирга юрт ихтиёрини, миллат ифтихорларини қайтариб берди. Бугун нимаики мерос қолган бўлса, уни янада ривожлантиришимиз, асрашимиз, давом эттиришимиз лозимлигини англатди.

REFERENCES

1. Мирзиёв Ш. "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов тавалуддининг 100-йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори. 2017йил 27 март.
2. Газиев Р.Р. (2012). Деятели Узбекистана. Воспоминание о Шарафе Рашидове. ИЗД.
3. Алимардонов Т. (2017). Ўчмас шараф – Ш.Рашидов ҳаёти ва фаолияти тарих кўзгусида Т.:
4. Javlonbek Rayimnazarovich Begaliyev. (2020). XIVA XONLIGI TARIXSHUNOSLIGI. Science and Education. 1 (6), 153-160.
5. Gaffarov, Y. (2019). Technical approach in the education system. International Journal on Integrated Education, 2(6), 40-41. Retrieved from http://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/195
6. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils' Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(02), 1337-1346.
7. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
8. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
9. J.N. Abdurakhmanova, S.B. Jumaeva, U.K. Ismailov (2020). The Importance of Shrines in The Spiritual Life and Mentality of Uzbek People // International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (09) 2389- 2398.
10. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
11. Matchonov S. (2020). Adabiy ta'lim tizimini texnologiyalashtirish va badiiy-estetik tafakkur muammolari // Научный вестник Ташкентского государственного педагогического университета. № 1 –С. 110-115.

12. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
13. Toshtemirova, C., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // "Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development" collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.
14. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX - Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(07), 8034-8042.
15. Toshtemirova S. A. Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim.-2020. - № 1 (86). - S.5
16. Shukurullo Mardonov. Art Pedagogical and art therapeutic technologies in the art classes. *International Journal of Research in Economics and Sosial Sciences, 10* (Issue 6), 26-36.
17. Раимова, А. (2020). Эвакуация центров науки и культуры в Узбекистан в годы Второй мировой войны. Science and Education, 1 (7), 600-609.
18. Toshtemirova, S.A. (2020). The quality of education is a pedagogical problem. *Актуальные вопросы современной науки Материалы VI международной научно-практической конференции*, Саратов. *1*(1), 39-40.
19. Jabbor Usarov. (2019, June). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.
20. Раимова, А. (2020). Вклад Шира Захидова в развитие киноискусства Узбекистана. Science and Education, 1 (7), 594-599.
21. Gafforov Ya. X. (2019). THE STATE OF HUSTORICAL EDUCATION IN UZBEKISTAN DURING WORLD WAR II. USA(Philadelphia) . -P. 173-175.
22. Botir Boltabaevich Baymetov, Khusan Kholmuratovich Muratov. Self Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher. Solid State Technology. 2020/2/29. Vol. 63 № 2 (2020). 224-231.